

Зиёдулла Латипов

# ҲИМОЯ



ЗИЁДУЛЛА ЛАТИПОВ

# ҲИМОЯ

*Қисса ва ҳикоялар*



Тошкент – 2019

*Ушбу китобимни номи барҳаёт устозларим  
ҳожи Садрриддин Салим Бухорий ҳамда  
ҳожи Самад Азимовларнинг порлоқ  
хотираларига бағишлайман.*  
**Муаллиф**

---

**УЎК 821.512.133-1**

**КБК 84(5Ў)6**

**Л 24**

**Латипов, Зиёдулла**

Ҳимоя [Матн]: қисса ва ҳикоялар / З.Латипов. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2019. – 264 б.

ISBN 978-9943-5762-7-8

*Ушбу китобда жам бўлган қисса, ҳикоя ва эртақларда ҳаётнинг ранг-баранг манзаралари, турфа воқеа-ҳодисалари муаллифнинг дунёқараши орқали ўзига хос шаклда ва усулда баён этилади. Воқеликлар жараёнидаги инсон қалби, кечинмалари, ҳаёт ҳақидаги хулоса ва фикрлари ўқувчини ўйлашга, мушоҳада қилишига ундайди.*

**УЎК 821.512.133-1**

**КБК 84(5Ў)6**

*Тақризчилар:*

**Толиб Сафаров,**

*тарих фанлари номзоди*

**Абдурахим Болтаев,**

*сиёсий фанлар номзоди*

ISBN 978-9943-5762-7-8

© “Muharrir nashriyoti”,  
Тошкент, 2019.

## ЖЎШҚИН ИЛҲОМ БИЛАН

Бухоролик қаламкаш йигит Зиёдулло Латиповнинг ёзганларини матбуотда ва китобда ўқиб, кейин ўзи билан ҳам кўришиб танишдим. Жуда камтар, маданиятли, мулоҳазали инсон экан. Ҳикоя ва қиссаларида маъно бор, маълум бир воқеликнинг, ҳодисанинг тиниқ тасвири, ёрқин манзараси бор. Қаҳрамонларнинг муайян жонли қиёфаси кўринади. Бу яхши, албатта. Энг муҳими Зиёдуллонинг касб-кори болалар билан боғлиқ. У кўп йиллар таълим соҳасида ишлаб, мактабда сабоқ берган. Болалар билан доимий мулоқот-муносабатда бўлиб, уларнинг ўзига хос феъл-атвори, табиати, орзу-ўйлари, дунёқараши, бир сўз билан айтганда, болалик оламининг сир-синоатларини яқиндан ва чуқур билиш имкониятига эга бўлган. Бу ижодкор муаллимнинг бахти. Муаллимликдан бадиий ижодга қадам қўйиб, айни пайтда ижоди, асарлари билан яна ёшларни тарбиялашга хизмат қилиши, бу болалар оламига янада чуқур кириб бориш, уни кашф этиш демакдир. Зиёдулло шу юмушни яхши уддалашга ҳаракат қилади. “Умр мазмуни”, “Мўъжизакор ҳаёт”, китобларидаги болаларга аталган ҳикояларида ҳам қаламкашнинг бу фазилати ёрқин кўринган эди. Ушбу “Ҳимоя” китобига кирган қисса, ҳикоялар ҳам қаҳрамонлар характерини очиқ ва самимий тасвирлаши, воқеликни аниқ-тиниқ баён этиши, қаҳрамонлар нутқи-сухбатидagi жонлилиқ, ҳаётийлик каби жиҳатлари билан эътиборни тортади.

“Ҳимоя” қиссаси ўсмирлар ҳаётидан олинганлиги, навқирон авлоднинг ўз аждодларига мос-муносиб бўлиб камол топиши, қадим қадриятларни улуғлаши, ўтмишга ҳурмат билан ёндашиши, элнинг урф-одатлари, тамойилларини эъзозлаш, қисқа қилиб айтганда, элпарварлик ва юртпарварлик туйғуларини самимий куйлаши билан ўқувчининг кўнглига хуш ёқади. Асар қаҳрамонлари — талаба йигитлар Илҳомжон ва Муроджоннинг илм олиш, тарихни ўрганиш борасидаги интилиш ва саъй-ҳаракатлари ибратли бўлиб, ёшларни эзгу анъаналаримизга содиқ, элсуяр ва Ватанга садоқатли бўлиб улғайишига хизмат қилади. Сўзим сўнгида ижодкор муаллим Зиддулло Латиповга яна янги ва яхши асарлар ёзишига тилак билдириб, жўшқин илҳом сизни сира тарк этмасин, дейман.

**Худойберди Тўхтабоев**

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
Давлат мукофоти соҳиби*

## ОНА СИЙМОСИ

Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёровнинг бир гапи эътиборимни тортди. «Мен саксон ёшдаман. Минг шукр. Бу ёш улуғ ва табаррук ёшдир. Бу улуғликнинг шарафи тотли, аммо бир залворли юки ҳам мавжудки, бу юкни кўтаришдан оғирроқ вазифа йўқ экан. Ота-онангиз, устозларингиз, тенгдош ва сафдошларингиздан ажралиш, уларнинг ҳажру фироқини кўтариш сизнинг зиммангизга юкланар экан».

Бизку саксон, кўп борса, юз йил умр кўраимиз. Шу қисқа умримиз адоғида айрилиқ, фироқ заҳмидан нола чекамиз. Неча минг йилларни қаритган онажон шаҳрим Бухоронинг ҳоли не кечди экан? – дея ўйга ботаман. Унинг мунгли ҳолини ўзимча тасаввур этаман. Сочлари кумушдек оппоқ, юзлари серажин, қомати эгик. Дунё тамаддунига ўзининг илм даҳоси билан муносиб улуш қўшган минглаб алломалар орасида унинг фарзандларининг мавжудлиги. Бу азизларнинг ҳажру фироқи...

Катта ҳадик ила қўлимга қалам оламан.

*Шариф шаҳрим Бухоро,  
Зийнатланган хўп оро.  
Фарзандлари камарбаст,  
Хизматга шай дилоро.  
Дунё саҳнида гулгун,  
Ўз қадри, мақоми бор.  
Дунёни лол қолдирган  
Имом ал-Бухорийдир.  
Ҳадис илмин мукаммал  
Ўрганиб қўйди тамал.  
Бухорийнинг устози,  
Эъзоз, икром, мумтози –  
Ҳафзи Кабир Бухорий,  
«Қуббатул ислом» азал.  
Илму зиёда чексиз,  
Мақоми улуғ, тенгсиз.*

Ибн Сино таърифи  
Еру кўкка сиғмагай,  
Медицина равнақи  
Буюк устоз заҳмати.  
Тилларда достон бўлди,  
Мадади Сино бўлди.  
Руҳият камолоти,  
Инсонлар хаёлоты,  
Улуғ пирлар илми-ла  
Шу юртда камол топди.  
Назарга тушган зотлар,  
Башорат топган зотлар.  
Камолга етмоқ учун,  
Тарбият топмоқ учун,  
Бухорога чорланди,  
Бухорога жамланди.  
Шайхуш шуюхи, олим,  
Соҳиби юксак мақом.  
Пири муршиди даврон,  
Хожа Юсуф Ҳамадон.  
Макон тутиб Бухоро,  
Хизматга камарбаста.  
Бухоройи шарифнинг  
Корхона гузарида.  
Бир гўша мавжуд ҳамон,  
Аршга кўз тутар мудом.  
Бу табаррук гўшада,  
Таълим олди беором.  
Пири, шогирд тўрт ўғлон –  
Хожа Барқий, Андоқий,  
Хожа Аҳмад Яссавий.  
Ҳам соҳиби каромат  
Хожаи Жаҳон пирим.  
Хожагон тариқати  
Бўйлаган юрт Ғиждувон.  
Сайқалланиб, гуллаган,  
Макон бўлди Ҳиндувон.

*Илмнинг садосидан,  
Нақшбанд даҳосидан  
Қадр топиб бу макон,  
Дерлар Қасри Орифон.  
Она шаҳрим Бухоро,  
Зебо шаҳрим Бухоро.  
Ҳам кўҳнаю навқирон,  
Жаннат монанд Бухоро.  
Таърифинг сўзга сиғмас,  
Буюклигинг-чи кўкка.  
Арши аълода Оллоҳ  
Қадр берган Бухоро.*

Онажон шаҳрим Бухоронинг юзларига боқишга ҳаддим сиғмади. Изимга қайтдим. Оллоҳ суюкли бандаларини бағрига олиш баробарида буюк хизматларга камарбаста фарзандларни беришни ҳам унутмас экан. Фарзандлар ҳажри фироқидан жабрланган қалбларга малҳам суриш, таскин, мададкор бўлиш ишига икки забардаст олим Садриддин Салим Бухорий ва Самад Азимовлар камарбаст бўлиб майдонга чиқишди. Бу икки улуғ устозларни Бухоро халқи бир тану бир жон деб қабул қилишди. Уларни айро кўришни ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмасди. Бу иккала устознинг заҳматли меҳнатлари эвазига Бухоройи шарифда туғилиб, камолга етган буюкларнинг излари, маконлари, илмий асарларию, мақомотлари кашф этилди.

Биз ғофил бандамиз. Замондашларимизни бой бериб қўйишни сира хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Кутилмаганда Садриддин устозни бой бериб қўйдик. Бухоро ларзага келди. Диллар изтироб чекди. Аммо уларнинг қалбида бир таскин мавжуд эди. Самад устознинг Бухорода мавжудлиги, қаламнинг ёзишдан тўхтамаганлиги, Садриддин устознинг барҳаётлигини таъминлаб тургандек эди гўё. Бошлаб қўйилган ишлар сарҳисоб қилинди, жамланди. Ўндан ортиқ китоблар нашрдан чиқарилди. Серфайз ва сокин кунлар ўз измида. Биз инсонлар яна ғафлатда қолдик. Бедор ва беором онажон шаҳрим Бухоро тунда яна бўзлади. Ёруғлик одами, икки фарзандини бир кунда бой бергандек бўзлади.



## ЁРУҒЛИК ОДАМИ

*Мотамда бўзлайди Бухоро,  
Қомати эгик, жигар-бағри хун.  
Фироққа юз тутар Бухоро,  
Болам, – дея оҳ уриб бу тун.  
Садриддин кетганди биз кўндик,  
Ҳажр-фироқни тупроққа кўмдик.  
Осмон ҳайқиради борлиққа,  
Юлдузлар чақирар тавфиққа.  
Дер, тўхтатинг куй, нағма, назмни,  
Биз бой бердик Самад Азимни.*

Устоздан ажралиб, жигар-бағримиз хун бўлди. Мотам тутдик, изтороб чекдик. Яна субҳи содиқда онажон шахримнинг ҳузурига бордим. Сочлари кумушдек оппоқ, юзлари серажин. Аммо қомати эгилмаган. Мағрур ва масрур бир ҳолатни кўриб таажжубландим. – Эй нодонгига болам. Менинг мағрур ва масрур ҳолимдан ҳайратдамисан? Яратганнинг ҳақ сўзини эшитмаганмисан? Пайғамбарлар, авлиёлар ва олимлар ўлмайдди. Илм аҳли пайғамбарнинг меросхўрларидир. Улар абадий барҳаётдирлар. Шундай экан, нега мотамга ботайин. Улар хизматларини адо этиб, тин олишмоқда. Менинг бағримда ором олишмоқда. Уларнинг қаламлари шогирдлари қўлидан тушгани йўқ. Ма, устозларининг қаламини сенга ҳам берайин, – дея қўлларини узатди. Мен қаламни қўлимга олганимча, кўзларимни ердан узмаган ҳолда эгилиб таъзимда бўлдим.

Бугун субҳи содиқда онажоним пойига яна бош уриб келдим. Улуғ фарзандларининг руҳини шод этиш мақсадида ёзилган «Ҳимоя» номли китобимни оёқлари остига қўйиб, бир сўз айтишга ботина олмай изимга қайтдим. Хаёлимни бир фикр ўғирлади: – Назарлари тушдимикан?

Кутилмаганда олисдан: – Буюк Оллоҳ ҳар бир бандасини назаридан қочирмаганидек, она ҳам ҳеч қачон фарзандларини назаридан четда қолдирмас, – деган садо янгради. Бу сўздан қалбим шодланди ва ишончим ҳам юксалди.



# ҲИМОЯ

(Қисса)

*Ҳақгўй одам яшар доим бетаъма,  
Ҳақиқатнинг йўлини тўсиб бўлмайди.  
Ҳақгўй тиллар кесилса, ажабланма,  
Ҳақиқатни лекин кесиб бўлмайди.*

**Садриддин Салим Бухорий**

## ЭҲТИРОС

Инсон қалби доимо юксакликка парвоз қилишни хоҳлайди. Буюк орзулар, гўзал туйғулар қуршовида олам-олам шодликлар ила диплом ҳимоясини тайёрлашга киришдим. Устозим тақдим этган “Бухоронинг ўрганилмаган тарихий обидалари, буюк шахслар ва миллий кадриятлар – давр кўзгусида” айна ўзим хоҳлаган мавзу эканлигидан бошим кўкка етди. Тегишли манбаалар, адабиётлар рўйхатини тузиб чиқдим. Марказий кутубхонадан мавжуд адабиётларни олиб, сидқидилдан мутолаага киришдим. Иштиёқ билан ўқиш, материаллар йиғиш учун бир ҳафта вақт сарфладим. Столим четида анча тезислар, қораламалар, тарихий жой номлари, мулоқот сўзлари луғати жамланди. Шу баҳонада Бухоро давлатчилиги тарихига оид жуда кўп маълумотлар битилган қўлёзма-ю тарихий китоблар, таниқли олимлар томонидан ёзилган монографияларни ўқиб чиқиш бахтига мушарраф бўлдим. Мавжуд адабиётларни варақлаганим сари ақлим лол қоларди. Гўё чашма кўз очаётгандек. Битмас-туганмас хазинага дуч келгандим. Ўқиш асносида энг муҳим манбаларни умумий дафтарларга ёзишга киришдим. Тайёргарлик босқичи ана шундай кўтаринки руҳда амалга оширилди. Ҳимоя мавзусига мос тарзда пухта режа тайёрладим. Ўндан ортиқ умумий дафтарларни мазмунан мундарижалаб чиқдим.

А-4 форматли бир пачка оқ қоғозни иш столим устига қўйдим. Компьютерда қалин чизиқда чизиб тайёрланган андозани оқ қоғоз остига жойлаштирганча: – “Бисмиллоҳ”, – дея илк марта илмий ишимни қоғозга туширишни бошладим. Илм олишга бўлган чанқоқлигим сабаб изланишдан асло тўхтамайман. Тўртинчи босқич талабалари орасида имкониятим юқори даражада. Кичик-кичик илмий мақолаларим республика ҳамда халқаро журналларда чоп этилмоқда. Режаларим буюк. Мақсадим олийгоҳни тугатгач магистратурада ўқишни давом эттириб, докторантурага ўқишга кириш. Имконим даражасида илм чўққиларини забт этишдан иборат.

Ана шундай олам-олам мақсадлар қуршовида кунлар кетидан ойлар ҳам ўтди. Ва мен илмий ишимнинг дастлабки назорат вариантини ёзиб тугатиш бахтига сазовор бўлдим. Ҳимоя ишимнинг муқова-ю мундарижа қисмларига алоҳида эътибор қаратиб, сифатига кўнгил тўлгач ҳимоя комиссияга тақдим этдим. Комиссияда дастлабки вариант қўлёзмалар назоратдан ўтказилиб, хато, камчиликлари кўрсатилади. Илмий иш мазмунига дахлдор таклиф ва тавсиялар алоҳида кўрсатилгач, мукамал вариант тайёрланиб, ҳимоя учун тақдим этилади. Илмий раҳбарим таниқли олим. Республика ва халқаро нуфузга эга бўлган йирик фан арбобларидан. У киши ўз умрини илм йўлида бахшида этган ҳурматли зотлардан. Ўта камтарин, фидойи, чин инсон. Илмнинг барча машаққатли йўлларини ўз билим, заковати, донолиги-ю меҳнатсеварлиги билан босиб ўтган. Мен устозимни чин инсон-парвар, оилапарвар, талабапарвару ҳақиқатпарвар инсон деб биламан. У менинг назаримда, инсонийликнинг энг олий чўққисига кўтарилган киши сифатида намоён бўлади. Ана шундай буюк инсонлар қўлида таҳсил олаётганлигимдан шодман, бахтиёрман. Устозимнинг яна бир фидойилиги шундаки, кўп сонли талабалар орасидан салоҳиятли, илмга чанқоқ ва келажакда илмий иш қила оладиган ёшларни саралаб, ўқув машғулотларидан ташқари алоҳида мулоқот ўрнатганликларидан деб биламан. Шунинг учун бўлса керак, мен илмий ишимни тайёрлашда кўп ҳам муаммога дуч келганим йўқ. Шундай бўлса-да ҳаяжоним чексиз. Ҳимоя комиссиясининг хулосасини кутишдан бошқа чорам йўқ...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4350> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4350> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4350>